

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.30.05.2018.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАФАСОВА ВАЗИРА ТЎРАЕВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИ ПАРОНИМЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ**  
**ТАҲЛИЛИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Нафасова Вазира Тўраевна**

Ўзбек тили паронимларининг лисоний таҳлили ..... 5

**Нафасова Вазира Тураевна**

Лингвистический анализ паронимов узбекского языка ..... 25

**Nafasova Vazira Turayevna**

Linguistic analysis of paronyms of the Uzbek language ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 51

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.30.05.2018.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАФАСОВА ВАЗИРА ТЎРАЕВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИ ПАРОНИМЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ**  
**ТАҲЛИЛИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fil294 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Қарши давлат университети веб-саҳифасининг [www.karshi.uz](http://www.karshi.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталининг [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Муминов Сидиқжон Мирсобирович</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Амантурдиев Анвар Жабборович</b> филология фанлари доктори <b>Қиличев Байрамали Эргашевич</b> филология фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Урганч давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.30.05.2018.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail; qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Филология факультети фаоллар зали.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56; e-mail; qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.  
(2019 йил \_\_\_\_\_ даги «\_\_» рақамли реестр баённомаси).

**Н.Шодмонов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д.

**Г.Н.Тожиева**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, ф.ф.ф.д. (PhD)

**Д.Тўраев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий  
семинар раиси, ф.ф.д., проф.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида паронимия ҳодисаси тил эгаларининг ижтимоий ҳаётдаги тараққиётини, моддий ва маънавий оламини ўзида мужассамлаган лисоний, маънавий, мантикий, фалсафий ўзига хос микротизим сифатида ўрганиб келинмоқда. Давр тил сиёсатида жавоб бериш лексиканинг фаол ва нофаол, соҳавий ва терминологик, эскирган ва китобий, янгилик бўёғига эга ва сўзлашув нутқи бирликларига хос. Ҳар қандай тил фақат фаол сўзлардан иборат бўлмай, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий, иқтисодий, санъат ва транспорт, қишлоқ хўжалиги, спорт, мусиқа, илм-фан, техника ва бошқа соҳаларга, шунингдек, ўтмишга оид лексик бирликлар мажмуидан ташкил топади. Паронимлар ва унга ёндош ҳодисаларга антропоцентрик, прагмалингвистик, психоллингвистик, лингвопоэтик, лингвокультурологик ёндашувларнинг тилшуносликда ривожланиши шу ҳолат билан боғлиқдир.

Дунё тилшунослигида паронимларнинг таърифи ва тавсифи, уларни луғатларда бериш тамойиллари, шунингдек, паронимларнинг омонимлар ва унга ёндош ҳодисалардан фарқли жиҳатлари тадқиқ этилган. Паронимлар, тилнинг бошқа лексик бирликлари сингари, борлиқ – инсон – жамият учлиги ўртасидаги муносабатларни, алоқадорликни ифодалаш учун хизмат қиладиган лисоний бирликлар саналиб, бу мавқе ва имконият паронимларнинг тилдаги ўрни ва нутқдаги салоҳиятини белгилайди. Шу боис дунё тилшунослигида паронимия ҳодисаси фонетик, лексик, морфологик, морфемик, семасиологик жиҳатдан ҳамда услубий мустақилликка ва алоҳидаликка эгаллиги шу соҳага бағишланган тадқиқотларда ўрганилган.

Ўзбек тилшунослигида тилимиз оламнинг бой ва ранг-баранг ифода воситалари билан ажралиб турадиган тилларидан бири эканлиги аллақачон тан олинган. Она тилимизнинг фонетик, морфемик ва морфологик, лексик ва синтактик имкониятлари шунчалик хилма-хил ва улуғворки, унда давримизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, техникавий воқеликлари, халқимизнинг юксак тафаккури, маънавияти ва маданияти, фани, хўжалиги, саноати ва спорти, этнологияси ва руҳиятини ўзида акс эттирган лисоний бирликлар мажмуи тўла мужассамланган. “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”<sup>1</sup>. Мазкур фикрлар ҳар бир фан соҳасида, жумладан, ўзбек тилшунослигида ҳам чуқур изланишлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан тилнинг вариация, полисемия, синонимия, омонимия, антонимия каби муносабатдош лексик-семантик категориялар сирасига кирувчи паронимия ҳодисаси ўзбек тилининг миллий хусусияти ва онтологик табиатини ўзида акс эттириши билан ажралиб туради. Зеро, ўзбек тилининг паронимик ҳодисаларини тил ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони / Халқ сўзи, 2019, 22 октябрь, № 218 (7448).

маданият, тил ва мулоқот ҳамда социопрагматик йўналишларда текшириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақидаги” Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон ва рус тилшунослигида, хусусан, ўзбек тилшунослигида паронимия ҳодисаси тадқиқи ўзининг узок тарихига эга. Жаҳон тилшунослигида Т.В.Веракша, Л.И.Морару, З.К.Ишкильдина, Ч.К.Кусаль, О.П.Антипина, А.В.Потанина, Т.С.Гелястанова, Е.Д.Панфилов, О.В.Вишнякова, Н.П. Колесников, Ю.А.Бельчиков, М.С.Панюшева<sup>2</sup> ва бошқаларнинг тадқиқотлари эътиборга моликдир.

Ўзбек тилшунослигида лексикология, шу жумладан паронимия ва унга ёндош бўлган ҳодисалар А.Ҳожиев, Ш.Раҳматуллаев, М.Миртожиев, Р.Шукуров, Р.Сафарова, О.Бозоров, А.Омонтурдиев, Ш.Орифжонова,

---

<sup>2</sup> Веракша Т.В. Лингвистическая природа паронимов русского языка: Авторефер. дисс... докт. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2000; Морару Л.И. Паронимия членных слов в современном французском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Кишинев, 1984; Ишкильдина З.К. Лексико-семантическая категория паронимии в разноструктурных языках: на материале русского и башкирского языка: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Уфа, 2003; Кусаль К.Ч. Русско-польская межъязыковая омонимия и паронимия: Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2005; Антипина О.П. Сопоставительный анализ паронимов русского и английского языков: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Уфа, 2012; Потанина А.В. Семантические и словообразовательные особенности межъязыковых субстантивных паронимов в русском и немецком языках: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Казань, 2006; Гелястанова Т.С. Паронимы в современном карачаево-балкарском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Нальчик, 2004; Панфилов Е.Д. О синтаксической паронимии // Вопросы языкознания. – М., 1961, – №6; Вишнякова О.В. Словарь паронимов русского языка. – М.: Русский язык, 1984. – 352 с.; Колесников Н.П. Словарь паронимов русского языка. – Тбилиси: изд-во Тбилис. ун-та, 1971; Красных В.И. Толковый словарь паронимов русского языка. – М.: ООО «Изд. Астрель»: ООО «Изд-во АСТ», 2003. – 589 с.; Бельчиков Ю.А., Панюшева М.С. Словарь паронимов русского языка. – М.: ООО «Издательство АСТ»: ООО «Издательство Астрель», 2004. – 458 с.

Б.Қиличев, Б.Т.Суёнов, Ж.Ш.Джумабаева, Ф.У.Жумаевалар<sup>3</sup> томонидан ўрганилган. Ўзбек тилидаги лексик паронимлар ҳақидаги дастлабки маълумот Я.Д.Пинхасов<sup>4</sup> томонидан берилган. Ўрта мактаб<sup>5</sup> ва олий ўқув юртлари учун ёзилган дарслик ва қўлланмаларда лексик паронимия ҳақида қисқача маълумотлар берилган<sup>6</sup>. Паронимлар ҳақидаги илмий мақолалар И.Тошалиев<sup>7</sup>, Э.Дадахўжаев<sup>8</sup>лар томонидан ёзилган. Бу мақолаларда айрим лексемалар ўртасидаги паронимик муносабатлар қайд қилинган. Ўтган асрнинг 70-йилларида А.Маъруфовнинг 240 паронимик жуфтликни қамраб олган луғати нашр қилинди<sup>9</sup>. Паронимларнинг лисоний табиати ҳақидаги бирмунча батафсилроқ маълумот проф. М.Миртожиевнинг ишида берилган<sup>10</sup>.

Шунга қарамасдан паронимларнинг лингвистик табиатини назарий ва амалий йўналишда ишлаб чиқиш тилшуносларимиз эътиборидан четда қолиб келди. Паронимларнинг лингвистик табиати ҳақида ўзбек тилшунослигида жиддий илмий тадқиқот деярли яратилмаган. Паронимларнинг тил лексик тизимидаги ўрни, паронимик лексика ҳажми ва тури белгиланмаган. Ушбу ишда ўзбек тили луғавий тизимида мавжуд бўлган паронимик лексика микроtizими тадқиқ этилди, мингга яқин пароним аниқланиб, уларнинг лингвистик табиати ёритилди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

**Тадқиқот Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ҳозирги ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари»**

<sup>3</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 308 б.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 216 б.; Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент: Фан, 1975. – 140 б.; шу муаллиф. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – 288 б.; Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг лексик-семантик табиати: Филол.фан. номз. дисс. ...автореф. – Тошкент, 1973.; Сафарова Р.Г. Гипонимия в узбекском языке (на материале общеустр. зоонимов): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1990; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филол. фан. д-ри. дисс. ...автореф. – Тошкент, 1997. – 51 б.; Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси: Филол. фан. д-ри ...дис. автореф. – Тошкент, 2009. – 50 б.; Орифжонов Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол. фан. номз. дисс. ...автореф. – Тошкент, 1996. – 26 б.; Қиличев Б. Ўзбек тилида партонимия: Филол. фан. номз. дисс. ...автореф. – Тошкент, 1997. – 22 б.; Суёнов Б.Т. Ўзбек тилида омонимларнинг юзага келиш омиллари: Филол. фан. номз. ...дисс. автореферати. – Тошкент, 2009. – 22 б. б.; Джумабаева Ж.Ш. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия: Филол. фан. д-ри. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 82 б.; Жумаева Ф.У. Полисемем лексемалар доирасидаги синоним ва антонимлар тадқиқи: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. ...автореф. – Фарғона, 2018. – 53 б.

<sup>4</sup> Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология ва фразеология. – Тошкент: Ўқитувчи, 1969. – Б.28. Пароним атамаси ўзбек тили ўқув-таълимий адабиётларида шу олим томонидан киритилган.

<sup>5</sup> N. Mahmudov N, A.Nurmonov, A.Sobirov, V.Qodirov va boshq. Ona tili: Umumta'lim maktablarining 5-sinf uchun darslik. – Toshkent: Ma'naviyat, 2015. – B. 176–177.

<sup>6</sup> Шоабдурахмонов Ш. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б.113; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б.141–143; Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili. – Toshkent: Universitet, 2006. – B. 45-46; Қиличев Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Бухоро, 1999. – Б.81.

<sup>7</sup> Тошалиев И., Жўрабоева М. Паронимия ҳодисасига доир // Тилшунослик масалалари. Илмий асарлар тўплами. II қисм. – №501. – Тошкент, 1976. – Б.103-110; Тошалиев И. Ўзбек тилида паронимия ва паронимазия // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1988. – №1. – Б.36–40.

<sup>8</sup> Дадахўжаев Э. Лексик паронимия ва сўз вариантлари//Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1988. – №2. – Б. 34–37.

<sup>9</sup> Маъруфов А. Паронимлар луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 70 б.

<sup>10</sup> Миртожиев М. Сўзларнинг шаклий муносабатига кўра типлари // Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 255–259.

ва «Ўзбек тили лексик сатҳининг система сифатидаги тадқиқи» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тили лексикаси тизимида ифодавий ва мазмуний жиҳатдан кичик микротизимни ташкил қилувчи паронимларнинг шаклий, маъновий хусусиятлари, паронимик лексиканинг вариация, полисемия, омонимия, синонимия ва антонимия сингари ёндош ҳодисалардан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ёзма манбалар, фольклор, халқ сўзлашув нутқидаги паронимик лексикани аниқлаш, тўплаш, таснифлаш;

паронимлар ҳақида яратилган лингвистик қарашларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

паронимларнинг мазмуний жиҳатини турли туркумлар доирасида таҳлил қилиб, маъновий умумийлик ва хусусийликларни аниқлаш;

паронимлар таркибини ташкил қилган лексемаларнинг этногенетик асосларини аниқлаш ва паронимлар мисолида тиллар таъсири ва ҳамкорлигини кўрсатиш;

паронимларнинг мустақил, алоҳида шаклий ва маъновий категория эканлигини асослаш, вариация, синоним, омоним, антоним каби ёндош категориялар билан паронимларни қиёслаш, ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш;

паронимик лексиканинг ўзбек тили синхрон, қисман диахрон ясашиш тизими билан боғлиқлигини кўрсатиш, ўзбек тили паронимларининг таркибий-мазмуний турлари ва типларини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида ўзбек тилининг изоҳли ва паронимик луғати, ўзбек бадиий адабиёти ва публицистик услубдаги материаллар, фольклор материаллари ва қисман сўзлашув нутқида хос паронимик бирликлар олинган.

**Тадқиқот предметини** ўзбек тили паронимиясининг вазифавий-маъновий имкониятлари, уларнинг лексик-грамматик типлари ва турлари, прагматик-услубий хусусиятлари, қўлланиши ва хосланиши билан боғлиқ ҳолатлар тадқиқи ва тавсифи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Паронимлар тадқиқида синхрон, қиёсий-тавсифий, семантик, таснифлаш, анализ ва синтез ҳамда лингвостатистик каби тадқиқ усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

паронимларнинг вариация, кўп маънолилик, синоним, омоним, антоним сингари ёндош ҳодисалардан фонологик-фонетик, лексик-семантик ўхшашлиги ва шаклий фарқи аниқланган;

паронимик лексиканинг шаклланиши ва тараққиёти, бу жараёнда ўзбек тили лексикасининг қўлланилиш жиҳатдан фаоллиги, форс, араб тили бирликларининг иштироки асослаб берилган;

ўзбек тили паронимларини ёзма ва оғзаки нутқда қўллашда юз бераётган хатоларнинг келиб чиқиш сабабларини орфоэпик ва орфографик меъёрлар



асосида изоҳлаш, уларни нутқда тўғри қўллаш учун паронимларнинг маъновий фарқини англашнинг аҳамияти очиб берилган;

паронимлар тил ҳодисаси сифатида лексик сатҳ бирлиги эканлиги ва нутқий жараёнда парономазиянинг юзага чиқиши учун асос бўлиши далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбек халқининг борлиқ ва жамиятга муносабатини ўзида тўла воқелантирган паронимларнинг тадқиқи натижасида олинган хулосалар тилшунослик фанини янги илмий-назарий қарашлар билан бойитиши, бадиий асар тилини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар ва методик ишлар яратишда қўл келиши асосланган;

паронимлар насрий нутқдан кўра назмий матнда, умуман, бадиий нутқда кўпроқ қўлланиши мисоллар билан далилланган; бу – паронимлар лисоний табиати билан боғлиқ ҳодиса эканлиги асосланган, бадиий адабиётда услубий вазифа бажариши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ўзбек тилининг паронимик лексикасини тадқиқ қилишда, назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга асосланганлиги, таснифлаш, қиёсий-тавсифий, анализ ва синтез, лингвостатистик сингари таҳлил усуллари билан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тили паронимик лексикаси микроизимини ўрганишда, уни илмий ютуқлар ва назарий фикрлар билан тўлдиришда, тил бирликларининг онтологик моҳиятини тасвирлашга хизмат қилувчи назарий-методологик тавсияларни ишлаб чиқишда аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти лексикология, лексикография ва семасиология муаммоларини тадқиқ этишда, таржима илми ва амалиётида, луғатлар тузишда, дарслик ва қўлланмалар яратишда, она тили таълими мазмуни ва самарадорлигини оширишда, олий филологик таълимда ихтисослик ва танлов фанларини ўқитишда, ўқув-услубий мажмуалар тайёрлашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек тили лексикологияси борасида олиб борилган изчил тадқиқотларнинг узвий давоми сифатида паронимлар лисоний таҳлилининг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш асосида:

паронимик лексиканинг шаклланиши ва таракқиёти, бу жараёнда ўзбек тили ясама паронимларининг фаоллиги, асосдош паронимларнинг ҳосил бўлиши, асос қисмида ифодаланган маъновий умумийлик, ясовчи бирлик орқали ифодаланган хусусийлик, маъновий фарқловчилик, турли асослардан юзага келган ясама паронимларда маъновий умумийлик, бирлаштирувчанлик ясовчилар воситасида, маъновий фарқ, тафовут эса ясашиш асослари билан ифодаланиши ҳақидаги хулосалардан ОТ-Ф8-062 рақамли “Тил таракқиётининг деривацион қонуниятлари” (2007-2011) номли фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 октябрдаги 89-03-3710-сон маълумотномаси).

Натижада мазкур лойиха доирасида ўзбек тили сўз ясалишида паронимик лексиканинг иштирокини таърифлашга эришилган;

паронимларнинг юзага келиш сабаблари, вариация, синоним, омоним, антоним каби ёндош ҳодисалар билан қиёсланиши, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, нутқда қўлланилиши билан боғлиқ натижаларидан И-2013 57 рақамли «"Ижтимоий экология муаммолари" номли монография тайёрлаш ва чоп этиш» (2013-2014) мавзусидаги инновация лойихасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 октябрдаги 89-03-3710-сон маълумотномаси). Тадқиқот илмий натижаларидан фойдаланиш лойиха бўйича олиб борилган ишнинг сифатли ва мукамал даражада бўлишини таъминлаган;

тадқиқот натижалари асосида нашр этилган "O'zbek tili paronimlarining qisqacha izohli lug'ati" (Qarshi: Nasaf, 2019. – 88 bet.) (ISBN 978-9943-18-245-5)да паронимларнинг изоҳлари мисоллар асосида ёритилган. Натижада ўзбек тилидаги паронимларнинг қўлланилишига аниқлик киритилган ва луғатларда берилиши такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари ва хулосалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-назарий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш, шу жумладан, 1 та изоҳли луғат, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 5 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этирилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, ишда қўлланилган шартли қисқартмалардан иборат бўлиб, 144 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзбек тилининг паронимик лексикаси микротизими» деб номланган биринчи бобида ўзбек тили паронимик лексикасининг микротизими; паронимия ва унга ёндош ҳодисалар, яъни паронимия, вариация ва полисемия; паронимия, омонимия, синонимия ва антонимия ҳодисалари шу соҳага бағишланган жаҳон ва дунё тилшунослиги, хусусан, ўзбек тилшунослигида бажарилган тадқиқот хулосаларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этишга ҳаракат қилинган, паронимия ҳодисасига хос бўлган

асосий хусусиятлар очиб берилган.

Биринчи бўлим “Ўзбек тили паронимик лексикасининг меъёрий хусусиятлари” деб номланган бўлиб, унда паронимия бир-бирига ифода ва мазмун жиҳатидан нисбатланадиган лексемалар муносабатидан юзага келадиган лисоний ҳодиса эканлиги, ўзбек тили паронимия микротизимининг таркиби, ясалиши, тузилиши, унинг таҳлили сингари масалалар тадқиқ этилган.

Ўзбек тилида паронимия ҳодисасининг ифода ва мазмун нуктаи назаридан синхрон қиёсий таҳлили паронимларнинг морфологик, морфемик, лексик таркиби, тил ясалиш тизимига муносабати жиҳатидан мураккаб лисоний ва нолисоний лексик бирликлар мажмуидан ташкил топгани аниқланган. Ўзбек тили лексикасида маъновий, услубий жиҳатдан ўзига хос бир қатор хусусиятларга эга бўлган паронимлар миқдори анчагина. Эскирган ва китобий, махсус, поэтик ва фольклорга хос, соҳавий ва терминологик лексемалар ҳам паронимик жуфтлик ташкил қилишда иштирок этади.

Ўзбек тилшунослигида паронимияни маълум бир товуш билан фарқ қиладиган лексемалар қатори деб тушуниш устуворлиги кўзга ташланади. Лекин паронимларда ҳал қилувчи вазифани товушларнинг ўхшашлиги эмас, балки фарқи, бирини бошқасидан ажратиб турувчи фонологик-фонетик (ва график) белги муҳим саналади.

Ўзбек тилида паронимларни фарқлашнинг ички ва ташқи мезони, белги ва хусусиятлари тўла белгиланмаганлиги туфайли талаффуздош ёки талаффузи ва айтилиши яқин ҳар қандай лексик жуфтлик пароним деб қаралиши мумкиндек туюлади. Баъзи манбаларда эса бир товуш билан фарқланадиган лексемалар жуфтлиги пароним деб қаралган. Талаффузнинг ўхшаш, морфем составининг қисман яқин бўлиши паронимик лексиканинг асосий меъёрий хусусияти эканлиги кўпгина адабиётларда қайд этилган<sup>11</sup>. Натижада тилшунослигимизда талаффуздаги, нутқ оқимидаги ўхшашликни асос қилиб олиш анъанаси юзага келган.

Паронимларни қўллаш билан боғлиқ нутқий хатолар таҳлили шуни кўрсатадики, паронимларни англаш, тушуниш ва нутқда қўллаш жараёнида лексемаларнинг шаклий ўхшашлиги ва яқинлиги асос қилиб олиниб, уларнинг мазмун-моҳият жиҳатини назарга олмаслик ҳолати мавжудлигини кўриш мумкин: *тахлит – тақлид, шер – шеър, даво – даъво, шахт – шахд, омихта – омухта, нуфус – нуфуз* каби паронимик жуфтликларни бир хил қилиб айтиш, ёзма нутқда хато қўллаш ҳоллари кўп учрайди. Паронимия ҳодисаси сўзларни онгли тарзда, атайлаб ўхшаш қилиб ёки билмасдан, нутқий хато тарзда қўллаш натижасида юзага келади деган мулоҳазалар ҳам мавжуд<sup>12</sup>.

Паронимларга хос лексик-семантик хусусиятлардан бири бир хил асосли паронимик жуфтликларда дастлаб маъновий яқинлик, синонимияга ўхшаш маъновий хусусият мавжуд бўлади. Даврлар ўтиши билан ясовчи бирликлар ўртасидаги маъновий дифференциация, тараққиёт ва ўзгариш, ички ривожланиш

<sup>11</sup> Аликулов Т. Паронимлар ҳақида // Маъруфов А. Паронимлар луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б.5.

<sup>12</sup> Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1990. – С.368.

натижасида асосдош паронимларнинг маънолари ўртасида тафовут, фарк кучая боради, тадрижий тараққиёт асосдош синонимик муносабатдаги лексемаларни паронимик ҳолат, маъновий мустақиллик даражасига олиб боради. *Босқин* – *босқон*, *согин* – *согим*, *бўгим* – *бўгин* каби жуфтликларда шу каби маъновий тараққиётни кўриш мумкин. *Оталик* – *оталиқ*, *оқлик* – *оқлиқ*, *борлик* – *борлиқ*<sup>13</sup>, *оғалик* – *оғалиқ*, *бўшлик* – *бўшлиқ* каби жуфтликларда маъновий дифференциация умумийликдан хусусийлик сари тараққий топган. *Оталик*, *оқлик*, *борлик*, *оғалик*, *бўшлик* лексемаларига – умумий маъно хос. *Оталиқ*, *оқлиқ*, *борлиқ*, *оғалиқ*, *бўшлиқ* лексемаларида умумийликнинг бир кўриниши, бир тури маъноси шаклланган ва мужассамланган, маъно торайган, паронимик жуфтликларнинг биринчисига хос бўлган маънодан янги маъно ўсиб, ажралиб чиққан – ҳосила, янги маъно тил тараққиётининг маълум бир даврида пайдо бўлган. *Оталиқ*, *оғалиқ* лексемаларига тарихийлик, ижтимоий-сиёсийлик хос. Бухоро хонлигида амир маслаҳатчиси ва шу мансаб, шу мансабдаги шахс *оғалиқ*, *оталиқ* атамаси билан юритилган<sup>14</sup>.

Паронимия доимий ва муайян қонунлар асосида юзага келадиган ва шу тариқа шаклланган, таркибан кўпайиб ва ривожланиб борадиган ҳодиса, унинг юзага келиши ва тилдаги ҳаёт тарзи аналогияга асосланади<sup>15</sup>.

Тилнинг бошқа воситалари сингари паронимлар ҳам ўзбек тили лексикасининг бойлиги саналади ва тил лексикасида ўзига хос салоҳият ва имкониятга эга, тилнинг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида қадрланади. Паронимларнинг лингвистик табиати ўта мураккаб. Бу мураккабликни паронимларнинг фонологик-фонетик, график ва маъновий хусусиятларида кўриш мумкин. Ўзбек тили лексикаси макротизимида мавжуд бўлган паронимик микролексикани бир неча тамойиллар асосида таснифлаш мумкин.

1. Фонологик-фонетик структураси ва график ифодасига кўра: а) анлаути билан фарқланадиган: *одам* – *адам*, *азон* – *озон*, *ўтар* – *отар*; б) инлаути билан фарқланадиган: *бормоқ* – *бармоқ*, *лафзан* – *лофзан*, *майхўр* – *мойхўр*; в) ауслаути билан фарқланадиган: *даҳа* – *даҳо*, *улама* – *уламо*.

2. Унли ё ундош фонемалар билан паронимик муносабат ҳосил қиладиган лексемалар: а) унли фонемали: *хаёл* – *хиёл*, *чиллак* – *чиллик*, *бўйламоқ* – *бойламоқ*; б) ундош фонемали: *ундамоқ* – *уннамоқ*, *таллон* – *тарлон*, *арпа* – *арфа*.

3. Маълум бир фонеманинг бўлиш-бўлмаслигига кўра: *қисим* – *қисм*, *қасир* – *қаср*, *даъво* – *даво*.

4. Паронимик жуфтлик компонентларининг фонологик-фонетик бирликлари миқдорига кўра: моносиллабик: *туп* – *туб*, *соп* – *соф*, *шер* – *шеър*; полисиллабик: *ёлқин* – *ёрқин*, *ёқилғи* – *ёнилғи*, *эгалламоқ* – *эгарламоқ*.

5. Қайси тилга мансуб лексемалардан ҳосил бўлганлигига кўра: а) ўз қатлам: *ўтказмоқ* – *ўтқазмоқ*, *суркамоқ* – *сургамоқ*; б) ўзлашма қатлам:

<sup>13</sup> Миртожиев М. Сўзларнинг шаклий муносабатига кўра типлари // Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.258.

<sup>14</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. Учинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б. 152, 184.

<sup>15</sup> Вишнякова О.В. Паронимия и паронимазия//Русский язык в школе. – М.: Просвещение, 1966. – №3. – С. 99; Фомина М. Лексика современного русского языка. – М.: Высшая школа, 1973. – С.64.

таъмин – таъмир, алифбе – алифбо, антология – онтология, сабр – савр; в) ўз ва ўзлашма қатлам: алпоз – алфоз, кўп – куб, ота – ато, сутхўр – судхўр.

6. Таркибидаги лексемаларнинг қўлланиш даражасига кўра: а) фаол қўлланадиган: хўш – хуш, артмоқ – аритмоқ, март – мард; б) нофаол қўлланадиган: мирза – мирзо, шўра – шўро; в) фаол ва нофаол қўлланадиган: тўта – тўти, қирол – қарол, эскирмоқ – эскармоқ.

7. Таркибига кўра: а) туб лексемали: ўпқон – ўпқин, кашанда – кушанда; б) ясама лексемали: бақирӣқ – бақироқ, чинқирӣқ – чинқироқ; в) туб ва ясама лексемали: илим (ил+им) – илм, кўрик (кўр+-ик) – кўрк.

8. Асос ва ясовчи бирликларнинг характериға, иштирокиға, ўрниға кўра: а) асоси бир хил, ясовчиси ҳар хил: болали – болалик, суянчиқ – суянғич, оқлик – оқлиқ, бўшлик – бўшлиқ; б) асоси ҳар хил, ясовчиси бир хил: қирувчи – қурувчи, тизма – тузма, қийма – қуйма, қирма – қурма.

9. Фарқловчи белгиларнинг дистрибуциясига кўра: а) таркибидаги фонема/товушлар тури ё миқдори: чақноқ – чанқоқ; б) ясовчи бирликларнинг тузилишидаги дистрибуцион фарқи: суянчиқ – суянғич, таянчиқ – таянғич.

10. Лексемаларнинг адабий тилға хослиғи ё хос эмаслиғи белгисига кўра: а) адабий тилға хос: ўргимчак – ўргамчик; б) адабий тилға хос бўлган ва хос бўлмаган: сўзана – сўзона, тобоқ – табоқ, чаноқ – чиноқ; в) адабий тилға хос бўлмаган: кулала – кулали, мўр – мор.

11. Таркибидаги лексемаларнинг миқдорига кўра: а) икки лексемали: дамламоқ – димламоқ, пилла – палла, сийзоқ – сайзоқ; б) уч лексемали: ахир – охир – охур, ёд – ёт – йод; в) тўрт ва ундан ортиқ лексемали паронимлар ўзбек тили лексикаси макротизими ва паронимик лексика тизимига хос эмас.

12. Ясовчи бирликнинг ўрниға кўра: а) префикс мақомидаги ясовчили: бавосита – бевосита, бакор – бекор; б) суффикс мақомидаги ясовчили: йиқиқ – йиғиқ, оқма – оғма, бўғим – бўғин, тоғлик – тоқлик.

13. Лексемалар таркибидаги бирликларнинг ҳозирги ўзбек тили ясалиш тизимига муносабатига кўра: а) соддалашган лексемали: бурчак – бурчоқ, тутум – тутун; б) соддалашмаган лексемали: чақим – чақин, зарибона – зарбона; в) соддалашган ва соддалашмаган лексемали: бурун – бурум, келим – келин.

14. Ясовчи бирликнинг маъно ва вазифавий жиҳатига кўра: а) маъносини ўзгартирадиган ясовчи бирликли: парпирак – пирпирак, қурушиқ – қоришиқ, қусуқ – қисиқ; б) шаклий /грамматик тузилишиға таъсир қиладиган бирликли: туртинмоқ – туртилмоқ, уринмоқ – урилмоқ, севинмоқ – севилмоқ, соғинмоқ – соғилмоқ, суюнмоқ – суйилмоқ.

Ўзбек тилининг паронимик лексикаси ифода ва мазмун жиҳатидан ўта мураккаб лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларға эға, улар ишда турли хил тамойиллар асосида янада кичик гуруҳларға бўлиб таснифланган.

Диссертация биринчи бобининг “Паронимия ва унга ёндош ҳодисалар” деб номланган иккинчи бўлимида паронимлар фонологик-фонетик ва маъновий хусусиятлари билан вариация, полисемия, омонимия, синонимия, антонимия каби тил ҳодисалари билан муносабатдош, уларға ўхшаш, ноўхшаш жиҳатларға эға эканлиғи асослаб берилган.

Маълумки, вариация, полисемия, омонимия, синонимия, антонимия ва паронимия ўзбек тили лексикаси тизимида ўзига хос ифода ва мазмун жиҳатига эга бўлган универсал ҳодисалар саналади. Лексемаларнинг морфологик варианты ва вариантдошлиги – бир лексик бирликнинг турли шакллари дир. Синонимлар, омонимлар, антонимлар ва паронимлар эса турли лексемалар дир.

Паронимлар, вариантдош лексемалар, бир хил асосли синонимлар, омонимлар ва антонимларни умумлаштирадиган нарса тузилиш жиҳатдан бир хиллиги дир. Аммо уларнинг семантик жиҳатида катта фарқ бор: антонимларнинг маъноси – зид, қарама-қарши, омонимларнинг маъноси – бутунлай ҳар хил, синонимларнинг маъноси – яқин, вариантдош лексемаларники – бир хил, ўхшаш, паронимларнинг маъноси – ҳар хил.

Ишда паронимлар ва унга ёндош бўлган лексемаларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари батафсил тадқиқ этишга ҳаракат қилинди. Бу белгилар жадваллар асосида ҳам ифодаланди. Масалан, паронимлар билан вариантдош бирликлар ўртасидаги умумий ва хусусий жиҳатларни жадвалда қуйидагича кўрсатиш мумкин:

(1.1 – жадвал)

#### Ўхшашлик ва ноўхшашликни кўрсатувчи белгилар

Қиёсланган белгилари	Паронимлар	Лексема вариантлари
Маъновий фарқлилик	+	–
Маъновий бирлик	–	+
Айтилишдаги ҳар хиллик	+	+
Морфологик тафовутлилик	+	+
Бирикувчанлик ҳар хиллиги	+	–
Функционал мустақиллик	+	+
Маъновий яқинлик	–	+

(1.2 – жадвал).

Паронимлар ва омонимларнинг ўхшаш ва фарқли белгиларини эса қуйидагича ифода этиш мумкин:

№	Ўхшашлик ва фарқланиш белгилари	Паронимлар	Омонимлар
1	Маъновий ҳар хиллик	+	+
2	Маъновий яқинлик	+	-
3	Фонологик-фонетик мослик	-	+
4	Фонологик-фонетик яқинлик	+	+
5	График тенглик	-	+
6	Турлича бирикувчанлик	+	+
7	Вазифавий мустақиллик	+	+
8	Турли туркумлар доирасида	+	+
9	Бир туркумлар доирасида	+	+
10	Ясовчи бирликларнинг иштироки	+	-
11	Турли тилларга мансуб лексемалар доирасида	+	+
12	Бир тилга мансуб лексемалар доирасида	+	+
13	Микдорий нисбатда чекланиш	+	-

Иккинчи боб “**Паронимларнинг ифода жиҳати**” деб номланган бўлиб, ушбу бобда паронимларнинг фонологик-фонетик ва этногенетик асослари тадқиқ этилган.

Биринчи бўлим “Паронимларнинг фонологик-фонетик асослари” дея номланган. Паронимларнинг ифода жиҳати деганда шаклий, моддий товуш бирликлари ва уларнинг ёзма нутқдаги график ифодаси кўзда тутилади. Ҳар қандай пароним маълум бир фонологик-фонетик бирликларнинг ўзаро муносабатидан юзага келади. Бу борада шуни ҳам айтиш жоизки, ўзбек тили лексемалари фонема ва графема тури, таркиби жиҳатидан ўта мураккаб тузилишга эга.

Лексемаларнинг фонологик-фонетик бирликлардан таркиб топган кўринишлари ниҳоятда хилма-хил бўлиб, улар талаффуз ва график жиҳатдан бир-бирига ўхшаш ва қисман фарқли хусусиятларга эга. Ифода жиҳатидан ўхшаш ва яқин бўлган лексемалар бир-бири билан паронимик муносабатга киришади. Унда фонемаларнинг жарангли-жарангсизлиги, артикуляция ўрни ва усулига кўра яқин ва ўхшаш бўлиши, турли хил товуш ўзгаришлари ходисалари, дистрибуция турлари ва кўринишлари икки лексемани бир-бирига ўхшатиб, яқин қилиб талаффуз қилиш имконини яратади. Натижада маълум бир гуруҳ луғавий бирликлар ўртасида ифодавий ва мазмуний муносабатларнинг янги тури юзага келади.

Паронимик муносабатдаги лексик бирликлар талаффуз, айтилиш нуқтаи назаридан, асосан, бир<sup>16</sup> ёки икки фонема билан бир-биридан фарқли бўлади. Бундай лексик бирликлар таркибан неча фонемали бўлишидан қатъи назар, маълум бир фонема паронимик жуфтлик ташкил қилувчи лексемаларни фарқлаш учун хизмат қилади. Фарқни билдирувчи фонема ёзувда аниқ, очиқ кўринади, улар фарқли, турлича ҳарфлар билан ёзилади. Бу жуфтликларнинг бирламчи хусусияти, тилда фонетик тузилиши яқин бўлган лексемалар жуфтлигини бир-биридан ажратиш, фарқлаш вазифасини бажаради. Паронимик жуфтликдаги бирликларда ноўхшаш фонологик бирликлар кам бўлади, фонологик ўхшаш қисмлар эса миқдоран кўп бўлади: *ўқишли – ўқимишли* жуфтлигида 6+8 фонема мавжуд. Бу жуфтликда 1 та фонема фарқловчи фонема вазифасини бажарган. *Ўқишли* паронимик жуфтлик аъзосида и фонемаси икки марта, *ўқимишли* жуфтлиги аъзосида и фонемаси 3 марта такрорланган. Оғзаки нутқда, баъзан ёзма нутқда паронимик муносабатдаги луғавий бирликларни қўллашда хатога йўл қўйилади. Хато ва янглишликлар юз бериши талаффузда фарқли белгилар устидан ўхшаш белгиларнинг ҳукмрон бўлиши туфайли юз беради. Нутқ оқимида сўзловчи фарқли белгиларни англашга улгуриши қийин бўлади: *камчилик – камчиллик, мақом – муқом, минг – менг, оталик – оталиқ, пайдор – пойдор, пушта – пушти, сунмоқ – синмоқ, тасир – таъсир, тобланмоқ – товланмоқ, учмоқ – учмоҳ, фалонча – фалончи, хиром – хром, хол – ҳол, чиллик – чиллак, шер –*

<sup>16</sup>Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Qodirov V. va boshq. Ona tili: Umumta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. – Toshkent: Ma'naviyat, 2015. – B.176.

*шеър, шифоат – шафоат, қабул – қабил, қариб – қарийб, қасир – қаср, қушбеги – қўшбеги, ҳариф – ҳарф.*

Паронимларнинг иккинчи муҳим белгиси маъновий ноўхшашлик, ўзгачалиқдир. Товуш жиҳатидан паронимик жуфтликларнинг ўзаро яқинлиги турли даражадаги ўхшашлик нуктаи назаридан омонимларга яқинлаштира, маъновий хусусиятлари жиҳатидан синонимларга хос белгиларга эга бўлади. Фонетик белгиларига кўра бу ҳолатни шаклий чизмада қуйидагича акс эттириш мумкин:



Ўзбек тили паронимик лексикасини паронимик жуфтликлар асосида қиёслаш шуни кўрсатдики, жуфтликлар таркибидаги лексемалар ўхшашликдан ноўхшашлик сари фарқланади. Ана шу фарқ паронимларни бир-биридан фарқлаш ва тил birlikларини паронимик муносабатга киритиш учун хизмат қилади. Паронимларнинг фарқлари 1, 2, 3 сари ортиб боради. Шу асосда паронимларни: бир унли ёки бир ундош фонема билан фарқланадиган паронимлар, бир ундош фонема ёки унга тенглашадиган фонетик белгининг бор-йўқлиги билан фарқланадиган паронимлар, икки фонологик-фонетик белги билан фарқланадиган ва паронимик муносабатга киришадиган паронимик жуфтликлар каби гуруҳларга ажратиш ва тадқиқ этиш мумкин.

Масалан, *ў – о/о – ў* фонемалари билан ҳосил қилинган паронимик жуфтликлар: *ўзмоқ – озмоқ, ўрам – ором, ўрол – орол, ўсма – осма; бола – бўла, гўл – гол, дўл – дол, дўнг – донг, зўр – зор, мўл – мол, нўст – пост, сўлим – солим, тўймоқ – тоймоқ, тўлмоқ – толмоқ, хўжа – хожа, хўр – хор, хўрламоқ – хорламоқ, чўпон – чопон.*

*О – а/а – о* унли фонемалари билан ҳосил қилинган паронимик жуфтликлар: *азон – озон, антология – онтология, овқат – авқот; ангар – ангор, дам – дом, ёндош – ёндаш, май – мой.*

Шунингдек, иккинчи бобнинг шу қисмида *у – о/о – у* фонемалари, *э/е – и/и – э/е* ва бошқа унли фонемалар билан фарқланадиган паронимик жуфтликлар ва ундош фонемалар билан фарқланадиган паронимик жуфтликлар хусусида ҳам ишда бир қатор таҳлиллар амалга оширилди.

Иккинчи бобнинг “Паронимларнинг этногенетик асослари” номли қисмида ўзбек тили паронимик лексикаси, худди тилдаги барча лексик birlikлар сингари, турли тилларга, жумладан, ўзбек тили ва ўзбек халқи бевосита ёки бавосита муносабат юритган тилларга мансуб лексемалар мажмуидан иборат эканлиги, паронимик лексиканинг генетик асосларини билишнинг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Ўзбек тили паронимик жуфтликлар асосидаги лексемаларнинг азалий ва ҳозирги шакллари, маъновий хусусиятлари турлича эканлиги асосланди: *адабий – абадий, айрилиқ – айрилиқ, алифбе – алифбо, боғли – боғлиқ, биров – бирров, ёриқ – ёруғ, зирак – зийрак, маҳал – маҳол, обрў – абрў, ола – аъло, оталиқ – оталиқ, сабр – савр, тахлит – тақлид,*



ухламоқ – ухламоқ, шаҳид – шоҳид, қия – қиё каби паронимлар тилда фаол қўлланади, маънолари тушунарли, нуткий қўлланишда хатоларга йўл қўйилиш ҳоллари кам учрайди.

*Афсун – афзун, бино – бийно, гардан – гардон, дахил – дахл, зебо – зебу* (хайвон тури), *из – изз* (азизлик), *кафолат – кафорат, лавҳа – навҳа, мавҳум – мафҳум, малол – манол, муслим – муслин, парез – парҳез, само – самоъ, сари – сариъ – сарий, сийқа – сийға, соҳил – соҳир, сўқта – сўхта, таассуф – таассуб, талон – таллон, татим – тотим – тотем, тахайюл – таҳайюр, таътил – таъдил, тўпон – тўфон, чаноқ – чаноҳ, шалола – шарора, қаллоб – қуллоб, қараман – қаҳрамон, қариб – қарийб, қозоқ – қўзоқ, ҳезимкаш – ҳезумкаш, ҳусн – ҳузн* каби паронимик жуфтликлар миқдори анчагина. Бу тур паронимларнинг ўзбек адабий тили лексикаси тизимидаги мавқеи, мақоми, ўрни, тушунилиши, қўлланилиши бир-биридан фарқли. Айрим паронимик жуфтликларнинг бири, айримларининг ҳар икки компоненти тарихийлик, эскирганлик, соҳавийлик, шевавийлик, сўзлашув нутқида дахлдорлик, кам қўлланишлилик, фольклорга тегишлилик, чегараланганлик, неологизмлик, терминологик лексикага тегишлилик, луғавий маънога эга эмаслик, ўзга тилларга мансублик, поэтик сўзлик, маълум нутқ услубларига хосланганлик каби турли-туман баҳоланишлар, белгиланишлар билан ажратилади.

Ўзбек тили паронимик лексикаси қайси тилга мансублиги жиҳатидан икки қатламга: ўз қатлам, ўзлашма қатламга мансублиги аниқланди ва тадқиқ этилди.

Умумтуркий паронимлар: *-ли* ва *-лик* (*болали – болалик, отали – оталик, онали – оналик*), *-лик* ва *-лиқ* (*бўшлик – бўшлиқ, йўқлик – йўқлиқ, оқлик – оқлиқ*), *-қин* ва *-қон* (*босқин – босқон, ўпқин – ўпқон*), *-лоқ* ва *-лиқ* (*тошлоқ – тошлиқ, ўтлоқ – ўтлиқ, қумлик – қумлоқ, -ғи* ва *-ғу* (*чалғи – чолғу*), *-м/-им/-ум* ва *-н/-ин/-ун* (*йиғим – йиғин, оқим – оқин, соғим – соғин, чақим – чақин*), *-чи* (*соқчи – совчи*) каби умумтуркий ясовчи ва асослардан ясалган паронимлар ташкил этади.

Ўзбекча паронимлар: а) ўзбек тилига хос ясовчилар билан бир хил асосдан ясалган лексемали паронимлар: *-агон* ва *-(о)нғич* (*қонагон – қопонғич*), *-ча* ва *-чи* (*эскича – эскичи*), *-м/-им* ва *-м/-ум* (*тизим – тузум*); б) турли хил асосларга бир хил ясовчи қўшилишидан ясалган лексемали паронимлар: *тузма – тизма, тузилма – тизилма, оқма – оғма, қийма – қуйма*; в) турли хил асослардан ҳосил бўлган паронимлар: *булғамоқ – буғламоқ, бурул (от) – бурун, дудуқ – дудоқ, оппоқ – опоқ, пуркамоқ – буркамоқ*.

Ўзлашма қатламга мансуб паронимик жуфтликлар:

арабча лексемали: *адам – адан, адил – адл, ажаб – ажиб, азим – азм, алам – аълам, алиф – алаф, амир – амр, анвар – анбар, асир – аср*. Арабча лексемали паронимлар ўз навбатида қуйидаги хусусиятларга эга: арабча+ўзбекча, ўзбекча+арабча лексемали паронимлар: *анқо – анқов, дафина – дафна, илла – илло, машоқ – машшоқ, ола – аъло, ошиқ-мошиқ – ошиқ-маъшуқ, пақир – фақир, сариқ – сариҳ, солиқ – солик, солиқ – солиҳ, тантиқ – тансиқ, тахир – таъхир, тақир – таҳқир, тўфон – тўпон, қавс – қовуз, қайт – қайд, қил – қийл, қисим – қисм, қули – қулф, гоза – газо, ҳарб – ҳарба*; арабча+форс-тожикча ёки

форс-тожикча+арабча лексемали паронимлар: *абзал – афзал, баён – боён, узор – озор, хуруш – хуруж, шўра – шўро*;

форс-тожикча лексемали: *афсун – афзун, бас – баст, баста – басти, баҳори – баҳорий, бийрон – бирён, гард – гар, гулкор – гилкор, гўштхўр – гўсхўр, дазмол – дастмол, даргоҳ – дардгоҳ, дона – доно, жо – жой, зўр – зор, кам – ком, майхўр – мойхўр, мурдор – мухрдор, наво – нова*. Бу тур ўзлашмаларнинг бир қисми, кўпинча биринчи қисми ўз тилимиз материали бўлиши мумкин: ўзбекча+форс-тожикча лексемали паронимлар: *бот – бод, жоду – жоди, жуда – жудо, куй – кўй, тиг – туг, холи – ҳали*;

роман-герман тилларига оид лексемали паронимлар: *антология – онтология, грипп – гриф, тип – тиф*. Бундай лексемали паронимик жуфтликлар: ўзбекча+рус тили: *арпа – арфа, гал – галл, дуп – дуб, кўкс – кокс, пона – панно, рўда – руда, тотим – тотем, қарта – карта*; форс-тожикча ва рус тили: *дўст – дуст* ва арабча+рус тили орқали роман-герман тилларидан ўзлашган лексемали паронимлардан иборатдир: *баён – баян, кофи – кофе, фан – пан, шовул – шовун*.

Проф. Ш.Раҳматуллаев ўзбек тилига рус тили орқали ўзлашган ғарб тилларига мансуб лексик паронимларни таъкидлаб кўрсатган: *абонент – абонемент, адресат – адресант, дипломат – дипломант, экономика – экономия*<sup>17</sup>. Илк “Паронимлар луғати”да ҳам роман-герман тилларидан ўтган паронимик жуфтликлар изоҳланган: *алимент – элемент, артикль – артикул, бал – балл, банк – банка, бетон – бидон, кампания – компания, карточка – картошка, кафе – кофе, комплект – конфликт, матрац – матрос, омоним – аноним, орден – ордер, панель – фанер, пантон – фонтан, папирос – папирус, пенал – финал, реал – риал, роль – руль, секция – сессия, синтактик – синтетик, такса – такси, тип – тиф, трактир – трактор, ферма – фирма, шипр – шифер, иторм – итурм*<sup>18</sup>.

Диссертациянинг **“Паронимларнинг мазмун жиҳати”** деб номланган учинчи бобида ўзбек тили паронимияси микротизимидаги кирувчи лексик бирликлар мустақил лексемалардаги паронимлар (от, феъл, сифат, равиш, қисман олмош), ёрдамчи лексемалардаги паронимлар (боғловчи, кўмакчи, юклама) ва тақлид, модал ҳамда ундов сўзлардаги паронимлар сингари турларга ажратиб тадқиқ этилди. Ўзбек тили паронимик лексикаси микротизимидаги паронимик жуфтликлар мажмуи, аввало, қайси туркумларга, қандай маъновий гуруҳларга мансублиги нуқтаи назаридан: 1. Бир туркумга мансуб пароним лексемалар. 2. Икки туркумга мансуб пароним лексемалар сингари иккига ажратилди.

Бир туркумга мансуб пароним лексемалар паронимик муносабатга киришиб паронимик жуфтлик ҳосил қилиши кўп такрорланадиган абсолют ҳодисадир. Ўзбек тилида уларнинг қуйидаги турлари кўпроқ учрайди: от, феъл, сифат, равиш ва ундов паронимлар, қисман олмош паронимлар.

<sup>17</sup> Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o‘zbek tili. – Toshkent: Universitet, 2006. – Б.45-46.

<sup>18</sup> Маъруфов А. Паронимлар луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 70 б.

